



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - aprel

849n -son

Bog‘ot shaharchasi

Boğot tumani hokimining 2020 йил
10 октябрдаги 2158к-сонли қарорига
ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Boğot tumani “IBROXIM M ELITA HOUSE” МЧЖга қарашли “Ашхобод ва Маънавият” маҳаллалари ҳудудида жойлашган “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш эвазига берилган ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 2158к-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил феврал ойидаги сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Boğot tumani hokimining 2020 йил 10 октябрдаги 2158к-сонли қарорининг иккинчи ва учинчи бандларига қуйидагича ўзгартириш киритилсин;

- ушбу қарор сарлавҳаси қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

- “IBROXIM M ELITA HOUSE” МЧЖга Boğot туманидаги “Пахтаобод” маҳалласи “МФЙ” биноси қурилиши учун Boğot тумани “Ашхобод, Маънавият ва Пахтаобод” маҳаллалари ҳудудларидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

- ушбу қарорнинг иккинчи ва учинчи бандларига қуйидагича қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

““Пахтаобод” маҳалласи ҳудудидан 1000 квадрат метр” сўзлари киритилиб, “1570 квадрат метр” сўзлари “2570 квадрат метр ер майдони “Дон маҳсулотларини қайта ишлаш заводи ҳамда Савдо ва маиший хизмат шохобчалари қуриш учун” деб ўқилсин.

2. Boğot tumani hokimining 2020 йил 10 октябрдаги 2158к-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва “IBROXIM M ELITA HOUSE” МЧЖ

(А.Матякубов)га етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил октябрь ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев